

МУҲАММАД НУРУЛЛОҲ САЙДО  
АЛ-ЖАЗАРИЙ

# ТАСАВВУФ СЫРЛАРЫ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚАРО ИСЛОМ ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

**МУҲАММАД НУРУЛЛОҲ САЙДО  
АЛ-ЖАЗАРИЙ**

# **ТАСАВВУФ СЫРЛАРИ**

**1**

**Тошкент  
«МОВАРОУННАҲР»  
2000**

*Мутаржиллар:*  
**Баҳриддин УМРЗОҚ**  
**Абдумурод ТИЛАВ**

*Масъул муҳаррир:*  
**Фалсафа фанлари доктори**  
**Маҳмудхўжа НУРИТДИНОВ**

*Тақризчилар:*  
**проф. Нажмиддин КОМИЛОВ**  
**Муҳаммад Латиф ЖУМАН**  
**Анвар ТУРСУН**

*Муҳаррирлар:*  
**Филология фанлари номзоди**  
**Баҳодир КАРИМ**  
**Филология фанлари номзоди**  
**Сайфиддин РАФИДДИНОВ**

*Ношир:*  
**Муҳаммад СОБИР**

*Тартибловчи муҳаррир:*  
**Ёқуб УМАР**

*Компьютерда терувчи:*  
**Раҳима КАРИМЖОН қизи**

Босмахонага 8.05.2000 й.да топширилди. Қоғоз бичими 84x108 1/32.  
Офсет босма усули. 6,25 босма тобоқ. Адади 2000 нусха. 24-сошли  
буюртма.

“OFSET-PRINT” босмахонаси.  
Тошкент, Қирққиз, 10,

© “Сумайро”

## Покланиш илми

Шариат фақат зоҳирий расму русум эмас. Шундай деб ўйлаганлар хато қиладилар. Шариат илми инсон ботини, руҳий оламини ҳам қамраб олади. Шариатнинг зоҳири илми фикҳ (илми қол) бўлганидек, унинг ботини тасаввуф — илми ҳолдир.

Абдумурод Тилав ва Баҳриддин Умурзоқ таржимасидаги мазкур китобда ҳазрат шайх Муҳаммад Нуруллоҳ ал-Жазарий Қуръони карим ва Ҳадиси шарифнинг жавҳари тасаввуф эканлигини исботлайди.

Шариатда илм, амал ва ихлос асосдир. Илм — Аллоҳнинг илми, амал — Аллоҳ йўлидаги солиҳ ва эзгу ишлар, ихлос — Аллоҳнинг якка-ягоналигига имон келтириш, Унинг розилигини қозониш — бу айни тасаввуфдир.

Муаллиф керакли ўринда муҳокама ва исбот-далил билан, керакли жойда насиҳат ва ўғит билан бу муддаони ойдинлаштирган. Ал-Жазарий Ислом динини юксак маърифат ва пок ахлоқ дини деб атайди.

Юксак маърифат ва пок ахлоқ! Бу иккаласи қўшилса, инсон мартабалари ошаверади, ҳам бу дунё, ҳам у дунёда азиз бўлади.

“Ислом бир қўлида моддани, иккинчи қўлида маънони, бир қўлида дунёни, иккинчисида охиратни, бир қўлида илм ва ақл, бошқасида қалб ва Ҳаққа боғлиқликни тутиб туради”, деб ёзади муаллиф.

Айни ҳақиқатни ифодалаган фикр бу. Мана шу жиҳатдан “Тасаввуф сирлари” бир фойдали асардир. У маърифатимизга маърифат қўшади. Нафсни тарбиялаб, камолот касб этишимизда кўмаклашади. Бундай китоблар Исломни сиёсатлаштирувчи, гаразгўй, манфаатпараст кимсаларга қарши курашда қўлимизда гаразгўй, манфаатпараст кимсаларга қарши курашда қўлимизда кураш бўлади. Зеро улар буни биладилар ва тасаввуфга тиш-тирноқлари билан қаршидирлар. Тасаввуф диннинг моҳияти ва маърифатини ифодалаб, ҳар қандай гаразгўй оқимлардан юқори туради, уларнинг ниятларига зарба беради.

Китобда шайхлик сифатлари, мурид одоби ва бурчлари, байъат, муомала ва суҳбат, шайх ва мурид орасида вужудга келадиган руҳий маънавий яқинлик — ўзига хос муҳаббат ҳақида тоза ва қимматли маълумотлар бор. Муридда шаклланиши керак бўлган нажиб фазилатлар (вазминлик, тавозе, саховат, гўзал хулқ), комил мусулмон одамнинг ўттизта сифати хусусидаги ўлмас фикрлар баён этилган.

Нажмиддин КОМИЛОВ,  
филология фанлари доктори, профессор.